



"ТАСДИКЛАЙМАН"
Кўқон шахар 1-сон спорт мактаби
рахбари *Муродбек Курбонов* Е.Курбонов

Хизмат кўрсатувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖАТЛАРИ

Танлов хужатларининг мазмуни

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

II. Техник қисми

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

1 ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети Кўқон шаҳар1-сон спорт мактаби қурилиш таъмирлаш ишларини бажариш

1.2. Хизмат буйича Техник топширик танлов хужатларининг техник қисмда илова қилинган

Ушбу танлов якунлари буйича голиб бажарувчи ташкилот билан шартома тузилади .

1.3 Ишларни бажариш муддати шартонома имзоланган кундан бошлаб 31.12.2022-йилгача.

1.4. Ишларни бошлаш муддати ойма ойига хисобланади .

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЛАРИ

2.1. Кўқон шаҳар1-сон спорт мактаби (бундан кейин –«Буюртма» деб аталади)-танлов ташкилоти хисобланади .

2.2 «Буюртмачи »манзили Кўқон шаҳар Чархий 5-үй

2.3. Танлов «Буюртмачи » томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда ,белгиланган муддатларда утказилади .

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишда ихтисослашган ,камида 5 йил тажрибага хамда юридик макомга ега булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин .

3.2. Танловда иштирок етиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади.

1. Хизмат кўрсатувчининг тулик юридик манзили, банки ва реквизити, телефон раками, гувохнома ,тижорат таклиф

2. Солик ва бошка мажбурий туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ идораси ни маълумотномаси

3. Ташкилотни балансида мавжуд машина механизmlари хакида маълумотлар.

4. Доимий ишчи мутахассислар тугрисида маълумот

3.3. Агар танлов предмети булганишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлик фаолият Конунчиликда биноан лицензиялаштириш зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорга рухсат берилади .

3.4 Куйидаги талабгорларга танлов жараенларида иштирок этишга рухсат берилмайды:

Кайта ташкил этишлиш (ажратилиш кушилиш) тугатиш еки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара килингандар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок холдинг ва бошка шаклда ташкилий-хукукий еки бирбирига молиявий карамлиги мавжудлар хамда нархи 10фоиздан ошик суний туширилган таклифлар

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3.Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Нархларкисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний тулвлар ва бошка боялик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, маълумотлар техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

4.5.Танлов иштирокчиси:

-такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик булади:

-таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартиришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йулкуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суроў юборишга хакли. Суроў келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суроў давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суроўга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларнинг коидаларига доир тушуниришлар уларнинг мазмун моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда унда нолинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушуниришларни тақдим этиш тугрисида суроў юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суроў келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушуниришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.